

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ВА КОМПЬЮТЕР  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СИФАТИ  
ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

---

**Суяров А.М**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, доцент*

**Аннотация.** Бугунги кунда таълим самарадорлиги укув жараёнида замонавий технологияларидан фойдаланишинг сифатий характеристика-лари акс эттирувчи ОТМ фаолиятини стандарт курсаткичларини тахлил этишини такоза этади.

**Таянч иборалар:** ахборот технологиялари, ахборот технологияларидан фойдаланиши масалалари, имкониятлари ва самарадорлиги, ўқув жараёнида фойдаланиши учун ахборот технологияларинг замонавий воситалари.

Хозирги кунда ахборот ва компьютер технологияларининг ривожланиши таълим соҳасига ўз таъсирини кўрсатиб келиш билан бирга, таълим жараёнини янги сифатий кўрсаткичларига эришишиш, бошқариш жараёнини тезлаштириш ва самарадорлигини ошириш имкониятини ҳам яратади. Таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланиш натижасида таълим тамоиллари, моҳияти, концепциялари ва ғоялари ўзгаради.

Янги педагогик ва ахборот технологиялари таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун янги методлар ва ёндошувлардан фойдаланишни кўзда тутади. Бунда жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ривожланаётган шароитда ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг истеъод, қобилият, интилиш ва қизиқишларини шакллантиришга қаратилган масалалар муҳим ўрин тутади.

Ўқув жараёнида ахборот ва компьютер технологиялари воситалари-дан фойдаланиш сифати ўқув материаллари ва ўқувчиларга уларни етка-зиш тизими каби компоненталардан иборат омиллар билан аниқланади.

Ўқув жараёнини сифат ва самарадорлигини оширувчи ахборот таълим муҳити сифатли ҳисобланади, агар у ахборотлашган таълим тизими мақсади ва меъёрига мос келса, яъни у қўйидагиларни таъминласа:

- электрон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти;
- ахборот ресурсларининг шакли ва сифати талаб даражасида эканлиги;
- олинадиган ахборотларнинг тўлиқлиги, тезкорлиги ва ишончлилиги;
- ахборот олишнинг қулайлиги.
- ахборот ресурсларни йиғувчи, сақловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилий тузилманинг мавжуд бўлиши;

- таълим сифатини бошқариш жараёнининг баҳолаш тизими яратилганлиги ва фаолият кўрсатаётганлиги;
- ўкув жараёнини таъминлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш учун ахборот муҳити бошқа минтақавий ва чет эл ресурслари билан интеграллашганлиги;
- ўқитувчилар ва талабаларнинг ахборот саводхонлигини ахборот технологияларни замонавий ривожланиш даражасига мослаштириш мақсадида маҳсус курслар ташкил этилганлиги;
- турли даражадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ва турли кўринишидаги электрон ахборот ресурслари мавжуд бўлиши;
- ахборот муҳитни ташкиллаштирувчи ва ўтказувчи локал тармоқлар ва замонавий дастурий воситалар билан таъминланганлиги.

Таълим тизимида ахборот ва компьютер технологиялари воситаларидан фойдаланиш сифатининг муҳим омили ахборот ресурсларидан фойдаланиш тузилмаси бўлиб, унинг такиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

- локал тармоқка кириш, ишлаш ва интернет тармоғи ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва сифати ;
- интранет ва интернет-серверларни ахборот-услубий тўлдирилган-лиги сифати ва мавжудлиги;
- таълим тизимини бошқариш жараёнини ахборотлаштириш учун дастурий воситаларнинг таъминланганлиги ва сифати;
- электрон ахборот ресурсларига кириш-ишлаш имконини берувчи ташкилий тузилманинг мавжудлиги;
- техник таъминот.

Бу тузилма қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

- ахборотларнинг тури ва ҳажми тез ўзгариб туроётган жамиятни ахборотлаштириш шароитида ўқитувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уларнинг ижтимоий мослашиш имкониятини таъминлаш;
- талабалар ва ўқитувчиларни ахборот тизимиға мослашишни, ўкув жараёнида ва кунлик иш фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ҳамда уларнинг ахборот маданиятини шакллантиришга ўргатиш;
- электрон информацион муҳитда қобилиятли, истеъододли ва интилувчан баркамол шахсни шакллантириш;
- талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг узлуксиз ўз устида мукаммал ишлаши учун шароит яратиш;
- талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ва интулувчанлик қобилиятини ошириш учун шароит яратиш;

- талабаларда фан-техника, таълим ва бошқа соҳаларда рўй бераётган янгиликлар, ўзгаришлар ва ҳокозаларни ўрганиши мақсадида уларда яхши тизимга солинган предметлараро билим ва кўникмаларни шакллантириш;
- талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг коммуникатив қобилиятини шакллантириш;
- ўқув жараёнини бошқарувини максимал даражада автоматлаштиришни, ҳосил бўлган миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини баҳолаш, таҳлил ва башорат қилиш усулларидан фойдаланишни таъминлаш.

Тажрибадан шу нарса маълумки, агар таълимни ташкиллаштириш ва бошқариш тизими янги ахборот— бошқариш моделлари билан етарли даражада таъминланмас экан, у ҳолда таълим жараёнида янги ахборот техноло-гиялари воситалари ва методларидан фойдаланиш орқали ўқитишнинг реал жараёнига кўрсатадиган ижобий таъсири унчалик сезилмайди.

Албатта, бу муаммони самарали ечиш баъзи бир объектив ва субъектив факторларга боғлиқ бўлиб, кейинчалик бу факторлар ўз-ўзидан таълим тизимини бошқариш бўйича зарур бўлган аниқ, етарли ва ўз вақтидаги ахборотлар билан тўлдирилиши керак бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик - дидактик асослари. (Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): Пед. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. –Т.: ЎзПФИТИ, 2006. – 264
2. Демин А. Ю. Информатика. Лабораторный практикум: учебное пособие для среднего профессионального образования / А. Ю. Демин, В. А. Дорофеев. — Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 133 с.
3. Ф.Закирова ва бошк. Электрон укув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қулланма, Т.: ОУМТВ, 2010. - 576.
4. Суяров А.М. Ways and models of providing integration of information technology science with mathematical sciences. «E3S Web of Conferences». Indexed by SCOPUS and submitted for indexing to Web of Science (CPCI) «E3S Web of Conferences» 402, 03016 (2023).
5. Henner E.K., Shestakov A.P. (2004). Information and communication competence of a teacher: structure, requirements and measurement system // Informatics and education. - No. 12.- P. 5 - 9.
6. Panina T.S., Dochkin S.A., Kletsov Yu.V. (2010). Levels of information and communication competence of pedagogical workers. - M .: Profi, 158 p.